

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
2023 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган  
ИШ РЕЖАСИ**

**I. Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йилдаги устувор вазифалари**

- 1.** Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари бўйича референдум ва сайлов қонунчилиги, амалиётини ва сайлов ташкилотчилари фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш.
- 2.** Ўзбекистон Республикасида вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан сайловга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва уларнинг бир хил тарзда қўлланилишини мониторинг қилиш.
- 3.** Сайлов комиссиялари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, сайловларни бошқариш ахборот тизимини модернизация қилиш.
- 4.** Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш ва ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш.
- 5.** Сайлов комиссиялари фаолиятининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш самарадорлигини ошириш.
- 6.** Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш.
- 7.** Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг, сайлов жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш, аҳоли ҳамда сайлов жараёни бошқа субъектларининг электорал маданиятини юксалтириш.

**II. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида  
кўриб чиқиладиган масалалар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил биринчи ярим йиллигига амалга оширган ишлари ҳамда иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси тўғрисида.

*июль*

**2.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг бўшаб қолган ўринларига сайлов ўтказиш тўғрисида.

*июль-декабрь*

**3.** Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида.

*июль-декабрь*

**4.** Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари ва низомларини инвентаризация қилиш натижасига кўра, зарурати мавжудларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қарор лойиҳаларини кўриб чиқиш.

*ноябрь-декабрь*

**5.** Республика худудларида сайлов жиҳозларининг ҳисобини юритиш ва сақланиш ҳолатини манзилли ўрганиш натижалари тўғрисида.

*декабрь*

**III. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
2023 йилнинг иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган  
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

<b>№</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Ижро этиш муддати</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
<b>I. Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари бўйича референдум ва сайлов қонунчилиги, амалиётини ва сайлов ташкилотчилари фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш</b>			
1.	Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари бўйича халқаро ташкилотлар миссияларининг тавсияларини, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича миллий амалиётни ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини мукаммал таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра сайлов ўтказиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиши	июль-ноябрь	МСК аъзолари, И. Хаджиев, Х. Палуаниязов, А. Нурмухамедов, М. Миралимов
2.	Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови даврида округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятида юзага келган хато, камчилик, муаммоли вазиятларни аниқлаш мақсадида сайлов комиссиялари учун саволнома ишлаб чиқиши ва тегишли сайлов комиссияларининг аъзолари ўртасида сўров ўтказиш, сўровномаларни атрофлича таҳлил қилиш ва натижасига кўра хато, камчилик, муаммоларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши	июль-август	МСК аъзолари, М. Миралимов, Х. Палуаниязов, М. Сатаев
3.	Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови даврида оммавий ахборот воситаларини аккредитациядан ўтказиш, улар билан ишлаш ва фаолият олиб боришида юзага келган муаммоли вазиятлар бўйича таҳлилий ўрганиш ўтказиш, натижасига кўра келгусида бундай муаммоларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши	август-сентябрь	М. Алимбаев
4.	Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан кузатувчиларни таклиф этиш, уларни аккредитациядан ўтказиш ва сиёсий кампанияларда иштирок этган кузатувчилар билан ишлаш жараёнларини таҳлил қилиш, натижасига	июль-август	МСК аъзолари, А. Нурмухамедов

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
	кўра ушбу жараёнларни хорижий давлатлар илгор тажрибасини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш		
5.	Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари бўйича Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон хукуқлари бюроси томонидан тақдим этилган дастлабки ва якуний хуносаларини таҳлил қилиш ва асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиб, МСК раҳбариятига тақдим этиш	июль-декабрь	МСК аъзолари, А. Нурмухamedов,
6.	Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида участка сайлов комиссияси аъзоларини ўқитиш тизимида юзага келган камчилик ва муаммоларни таҳлил қилиш, натижасига кўра асослантирилган маълумот тайёрлаш ҳамда МСК раҳбариятига тақдим этиш	август-сентябрь	МСК аъзолари, Х. Палуаниязов
<b>II. Ўзбекистон Республикасида вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан сайловга оид қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва уларнинг бир хил тарзда қўлланилишини мониторинг қилиш</b>			
7.	Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида халқ депутатлари вилоят (туман ва шаҳар) Кенгашлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётини ҳамда сайлов жихозларининг сақланиш ҳолатини манзилли ўрганиш, таҳлил қилиш ва МСК раҳбариятига ахборот тақдим этиш	август-ноябрь	МСК аъзолари, Ж. Фахрутдинов, Ш. Умаров
8.	Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини Сайлов кодекси ва бошқа амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқилганлигини мониторинг қилиш, хуносалар асосида масалага ягона ёндашувни шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш	июль-декабрь	МСК аъзолари, И. Хаджиев, М. Миралимов
9.	Ўзбекистон Республикаси референдуми ва муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ хужжатларни тизимлаштириш ва тегишинча архивларга топширилишини таъминлаш	июль-декабрь	МСК аъзолари, Ж. Фахрутдинов, Ш. Шокирова
<b>III. Сайлов комиссиялари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, сайловларни бошқариш ахборот тизимини модернизация қилиш</b>			

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
10.	Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (СЖБАТ) тузилишини тубдан такомиллаштириш, мавжуд модулларни бирлаштириш ва барча сайлов жараёнларида фойдаланиш бўйича техник топшириқ лойиҳасини ишлаб чиқиш	июль-август	МСК аъзолари, М. Сатаев, М.Миралимов
11.	СЖБАТ тузилишини такомиллаштириш бўйича техник топшириқ лойиҳасини экспертизадан ўтказиш мақсадида “Киберхавфсизлик маркази” ДУКга киритиши	август-сентябрь	МСК аъзолари, М. Сатаев
12.	“Киберхавфсизлик маркази” ДУК билан ҳамкорликда “Ахборот хавфсизлиги сиёсати”ни ишлаб чиқиши	сентябрь- ноябрь	МСК аъзолари, М. Сатаев
13.	Сайлов иштирокчиларига қулагайлик яратиш бўйича “Saylov 2023” мобил иловасини барча сайлов жараёнларида фойдаланиш имкониятини берувчи мобиль иловага айлантириши	ноябрь-декабрь	МСК аъзолари, М. Сатаев, М.Миралимов
14.	СЖБАТда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сайловига тайёргарлик кўриш юзасидан модулларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши	ноябрь-декабрь	МСК аъзолари, М. Сатаев, М.Миралимов
<b>IV. Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш ва ўқитиши тизимини янада такомиллаштириши</b>			
15.	Участка сайлов комиссияси аъзолари ўртасида сайлов иштирокчиларини ўқитиши тизимидағи муаммоларни ўрганиш ва ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш бўйича социологик сўров ўтказиши	август-октябрь	МСК аъзолари, Х. Палуаниязов
16.	Бўшаб қолган ўринларга маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ўтказилиши амалиёти устидан мониторинг юритиш ва тегишли сайлов комиссияларига услубий ёрдам кўрсатиши	июль-декабрь	МСК аъзолари, М. Миралимов, И. Хаджиев
17.	СЖБАТда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳари бўйича турли даражадаги сайлов комиссиялари аъзолари сифатида фаолият кўрсатадиган ва комиссиялар таркибида фаолият кўрсатадиган фаолларнинг маълумотлар базасини яратиши	июль-декабрь	МСК аъзолари, М. Миралимов, М. Сатаев
18.	“Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш: мавжуд муаммо, хато-камчилик ва уни бартараф қилиш йўллари” (миллий ва хорижий тажриба) мавзусида эксперт ҳамда мутахассислар иштирокида вебинар ташкил қилиши	август-сентябрь	МСК аъзолари, Х. Палуаниязов

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
<b>V. Сайлов комиссиялари фаолиятининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш самарадорлигини ошириш</b>			
19.	Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил тасдиқланган харажатлар сметаси ижроси юзасидан барча молиявий ҳисботларни белгиланган муддатларда сифатли тайёрлаш ва мутасадди идораларга тақдим этиш	июль-декабрь	МСК аъзолари, Ш.Умаров
20.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари бўйича барча молиявий ҳисботларни жамлаш ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилиш	август-сентябрь	МСК аъзолари, Ш. Умаров
21.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарда сайлов якунларидан сўнг сақланаётган сайлов жиҳозларини қайта тўлиқ хатловдан ўтказиш ва маълумотлар базасини янгилаш	ноябрь	МСК аъзолари, Ж.Фахрутдинов, Ш. Умаров
22.	Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил учун вақтинчалик 1-чорак харажатлар сметасини ишлаб чиқиши ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш	декабрь	МСК аъзолари, Ш. Умаров
23.	Сайлов жиҳозлари (яширин овоз бериш кабинаси, овоз бериш кутилари)ни такомиллаштириш: янги қўриниш ва шаклларини ишлаб чиқиши ва амалиётда қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш	ноябрь	МСК аъзолари, Ж.Фахрутдинов
<b>VI. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш</b>			
24.	Хорижий давлат сайлов органлари таклифига кўра Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Котибият ходимларини сайлов ва референдумларни кузатиш ва мониторинг қилишда иштирокини таъминлаш	июль-декабрь	МСК аъзолари, А. Нурмухamedov
25.	Беларусь Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаш масалаларини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиши	сентябрь-октябрь	МСК аъзолари, А. Нурмухamedov
26.	Хорижий давлатлардаги сайлов ва референдумларда кузатувчи сифатида, ЕХХТ ДИИҲБ миссияси вакили сифатида ҳамда ўкув-семинар, конференция ва халқаро тадбирларда иштирок этувчи Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Котибият ходимлари учун ўрганиладиган масалалар бўйича саволномани ўзида акс эттирган услубий-қўлланма тайёрлаш ва раҳбариятга тақдим этиши	июль-август	МСК аъзолари, А. Нурмухamedov

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
<b>VII. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг, сайлов жараёнларининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш, аҳоли ҳамда сайлов жараёни бошқа субъектларининг электорал маданиятини юксалтириш</b>			
27.	МСКнинг 2023 йил иккинчи ярим йилликка мўлжалланган медиа-режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	июль-август	М. Алимбаев, Матбуот хизмати
28.	“Референдум-2023”, “Сайлов-2023” фото-видео банкини шакллантириш	август	М. Алимбаев, Матбуот хизмати
29.	Марказий сайлов комиссияси веб-сайтининг янги версиясини ҳамда вилоят сайлов комиссияларининг расмий веб-сайтини ишга тушириш	август	М. Алимбаев, М.Сатаев
30.	“Шарҳ+” ҳамда “Форматдан ташқари” лойиҳаларининг навбатдаги сонларини тайёрлаш.	июль-декабрь	М. Алимбаев, Матбуот хизмати
31.	МСК фаолиятини расмий веб-сайт ҳамда ижтимоий тармоқларида кенг ёритиб бориш, сайловчиларнинг электорал маданиятини оширишга доир контент билан тўлдириш	июль-декабрь	М. Алимбаев, Матбуот хизмати
32.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг МСКга келиб тушаётган мурожаатларини сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчиликка ҳамда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конунга мувоғиқ кўриб чиқиш	июль-декабрь	МСК аъзолари, Котибият бўлимлари, И. Хаджиев